
Ҳар гектаридан – 50 центнер!

Риштон туманининг Қайрағоч қишлоғида уста пахтакор, асл деҳқонлар кўп. Меҳнат Қаҳрамони Ортиқбой Боййигитов, Ҳасанбой Боййигитов ҳамда Йўлчибой Ҳолиқовлар ана шулар жумласидан. От изини той босар деганларидек, бундан уч йил аввал нафақага чиққан Йўлчибой “Меҳнатобод” МТПга ҳудудидаги “Ҳолиқов Йўлчибой” фермер хўжалигини қизи Гулираёнога топширди. Боиси, Гулираёно болалигидан отасининг ёнида юриб, деҳқончиликда кўзи пишган, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг агрономия йўналишида таълим олаётган эди.

– Аслида далада туғилганман, десам адашмайман, – дейди Гулираёно юзида ним табассум билан. – Чунки ҳовлимиз даланинг бошида. Уйдан кўчага чиқсам йўлнинг нариги томони дала. Пахтачилик бўйича амалиётни шу кенг далаларда ўтганман. Устозим – дадам. Билмаганимни сўрасам ўргатишдан чарчамайдилар. Гарчи олий маълумотли мутахассис-агроном бўлсам-да, дадамнинг тажрибасига муҳтожлик сезаман. Бу йил ўқишни битириб институтга агрономия йўналиши бўйича давлат гранти асосида магистратурага қабул қилиндим. Уч йил аввал дадам бошлиқ фермер хўжалиги туманда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажаргани учун кластер раҳбарияти томонидан “Дамас” енгил автомашинаси берилди. Ушанда дадамнинг хурсандчилигини кўриб, рости, кўзларимдан ёш чиқиб кетган.

Фермер хўжалиги бу йил ҳам “Ruso,zbekteks” кластери билан шартнома имзолаб, 31 гектар майдоннинг гектаридан 45 центнерлик маррани кўзлаган. Пахта йиғим-терими бошланганига 7 кун бўлди. Ҳар куни йиллик режага нисбатан 10-12 фоиздан ошириб пахта териб топшириляпти.

Фермер хўжалиги аъзоларини ҳам, қишлоқдаги ҳиммати баланд уюшмаган аҳоли вакилларини ҳам бугун шу ердан топасиз. Кечагина 6 гектарли ердаги пахта териб олинди. Натижаси эса жуда қувонарли. Ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ ҳосилдорлик 43 центнерданни ташкил этди.

Бугун терилган пахта заводга топширилса шу заҳоти пули бериляпти. Теримчилар эрталаб пайкалга кириши олдидан кечаги терган пахтаси учун ҳақ оляпти. Турдихон Ҳасанова, Мавжудахон Ҳошимова сингари теримчилар кунига 200 килограммга етказиб пахта теришяпти.

Зайлобиддин

ЙИГИТАЛИЕВ.

Суратда: (ўртада) фермер Гулираёно Ҳолиқова теримчилар билан.

Суратни муаллиф олган.

2021-09-21 06:03:17